

Баҳрайнда Қуръон мусобақаси бошланди



13:30 / 06.03.2019 2691

Баҳрайн Миллий таълим вазирлиги, Дин ишлари бошқармаси ва бошқа мутасадди давлат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган Қуръон мусобақасида 63 давлат ва нодавлат мактаб ўқувчилари иштирок этмоқда. Бу ҳақда akhbar-alkhaleej.com ахборот сайти хабар беради.

1975 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу мусобақа ёшларни Қуръони каримга муҳаббатини ошириш, суннатга эргашиш, Каломуллоҳни тажвид билан ўқишлари учун катта ёрдам бериши билан бирга, хушовоз қориларнинг етишиб чиқиши учун энг қулай имкониятдир, деб айтади мусобақа ташкилотчилари.

Қорилар бешта йўналиш бўйича ўзаро куч синашмоқдалар.

Islom.uz портали таҳририяти